Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1999 йил 12 январь, сешанба • № 5 (24.400). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Самарқанднинг мовий гумбазлари»

Франциялик тадқиқотчи олима Фредерик Дресан хонимнинг Самарқанд ўтмиши, санъати ва маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоби шундай номланган. Яқинда шаҳар ҳокимлигида мазкур китоб тақдимот маросими бўлиб ўтди.

— Ўзбек халқи тарихи, санъати ва маданиятини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаб, буст-бутунлигича етказиб бериш керак, — дейди олима. —Самарқандга Францияда қизиқиш азалдан катта. Ойдин кунларга эришган юртингиз билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланаверади...

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Тарихий номлар тикланмоқда

Мамлакатимиз харитасида Қизилтепа ва Навоий туманларини кесиб ўтувчи 37-магистрал йўл мавжуд. Малик чўлининг эллик километри шу йўлга тўғри келади. Қишда аёзли совуқ, ёзда жазирама иссиқ бўлишига қарамай минтақанинг бу йўл бўлаги бошқа йўлларга ўхшаши, равон ва обод бўлмоғи керак.

Бу йўлни обод қилишдек хайрли ишга вилоят йўл қурилиши идораси, металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмаси, Навоий паррандачилик корхоналари биринчилардан бўлиб қўшилди.

Йўл бўйида тарихий номлардаги жойлар ҳам бор. Булар Малик работи ва Сардоба сингари жойлардир. Бу ерда саноқли кунларда «Работи Малик» чойхонаси қайтадан таъмирланиб йўловчиларга хизмат қилмоқда. Ахир, жаҳонгир Амир Темур, Бобур Мирзо сингари буюкларимиз бир тўхтаб, хордиқ чиқариб ўтган гўшалар, у ерларни жаҳонга бирлаштираётган йўл обод бўлишига нима етсин!

Ўткир ПЎЛАТОВ

«Янтоқ» сотувда

«Бухороёг» ҳиссадорлик жамияти савдо ташкилотларига янги маҳсулот — «Янтоқ» шифобахш ичимлигининг дастлабки туркумини жўнатди. Бу ерда очилган цех қунига 1,5 литрли пластмасса идишда минг дона «Янтоқ» ичимлигини ишлаб чиқариш қувватига эга. Янтоқ ва кийик ўтидан тайёрланган бу ичимлик қон босимини мўътадилаштиради, ошқозон-ичак хасталикларини даволашда қўл келади.



«Голд Стар» совриндорлари

Очиқ турдаги «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ҳиссадорлик жамияти ўз маҳсулоти сифатли бўлгани учун халқаро совринга сазовор бўлди. Обрўли «БИД» халқаро ташкилоти томонидан таъсис этилган «Голд Стар» — «Олтин юлдуз» фахрий мукофоти конметаллургия комбинати жамоасига берилди. Бу гал мукофотлар Франция пойтахти Парижда топширилди. Тантанали маросимда кўплаб мамлакатларнинг ишбилармон доиралари вакиллари, таниқли бизнесменлар, иқтисодиёт ва технология соҳасидаги йирик мутахассислар, дипломатлар ва таниқли экспертлар иштирок этди. Бизнинг мамлакатимизда эса комбинат фаолияти маълум ва машҳур. Бу ерда қазиб олиш корхоналари, бойитиш фабрикаси, металлургия заводлари, қўшма корхоналар ва кўплаб ёрдамчи цехлар ишлаб турибди. Халқ истеъмоли буюмлари ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Маҳаллий конлардан олинаётган бой заҳиралардан унумли фойдаланаётган комбинат меҳнатчилари қадоқланган мис катодлари, металл руҳлари, руҳ концентратлари, кадмий, мис купороси ва бошқа маҳсулотларни сифатли ишлаб чиқаришмоқда. Бу маҳсулотлар халқаро бозорларда харидоргир. Айниқса, қадоқланган олтин ва кумуш мамлакатимизга кўплаб валюта келтирмоқда.

Ҳиссадорлар маҳсулот турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор беришмоқда. Яқингинада бу ерда ноёб флотореагент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу хориждан келтирилаётганга нисбатан уч баравар арзондир. Шу боис 1998 йилда бир миллион долларлик ана шундай маҳсулотни хориждан келтиришга ҳожат қолмади. Натижада 780 минг доллар маблағ тежаб қолинди. Айниқса, портловчи моддаларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги қувончли бўлди. Бунинг натижасида кўплаб валюта тежалмоқда. Ярим йил ичида янги завод қуриш учун сарфланган маблағ қопланди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта халқаро тендерга йўл очилди. Яъни «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти акцияларининг 46,5 фоизи халқаро тендерга ташланди.

Суратларда: комбинатда айни кунларда ҳам иш қизғин.

Равшан НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар

Кўнгил олишга не етсин

Сирдарё вилояти ҳокимининг фармойишига асосан қўриқ воҳадаги 10700 дан зиёд кам таъминланган оила фарзандларига 32 миллион сўмлик қишки кийим-кечаклар олиб берилди. Қишлоқ мактабларига 25 миллион сўмлик ўқув-қуроллари , 7,5 миллион сўмлик дарслик ҳамда 18 миллион сўмлик компьютерлар олиб берилгани ҳам вилоятда Президентимиз кўрсатмаларига асосан таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида муносиб ишлар амалга оширилаётганидан дарак беради.

Абдужалил УМАРОВ

ХДП ҳаётидан

Ташкилий масала кўрилди

1999 йил 9 январь куни Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Н. Ҳазратов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у вилоят партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Раҳмонқул Ҳамроқулов Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. У айни пайтгача партиянинг Самарқанд туман кенгаши биринчи котиби вазифасида ишлаб келаётган эди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди, Самарқанд вилоят ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Пенсияга «ошиқаётган» раис

Журналист текшируви

Раҳбар қаерда тажрибали, ишбилармон, хушмуомалали ва талабчан бўлса шу ерда иш бароридан келади. Ривожланиш бўлади, жамоа бойийди. Халқнинг турмуш фаравонлиги юксалади. Аммо аксинча бўлсачи?

Олтинсой туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигининг «Янги қурилиш» маҳалласида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари Х. Бойтўраев ва А. Эшонқуловлар бизга мактуб йўллаб амалий ёрдам беришимизни сўраганлар. Хатда жумладан шундай дейилган: «Бундан уч йил муқаддам хўжалигимизни табиий газ билан таъминлаш мақсадида дастлабки ишлар бошланиб юборилган эди. Қандайдир сабабларга кўра бошланган иш ўлдажўлда қолиб кетди. Қўпгина тоғли туманларнинг газлаштирилганлигини кўриб ҳайрон қоламиз. Наҳотки хўжалигимизнинг шундоққина ёнидан ўтган табиий газдан раҳбарларнинг совуққонлиги туфайли бебаҳра қолсак?

Бундан ташқари маҳалламиз хўжалик марказида жойлашган бўлишига қарамасдан тоза ичимлик сувига зормиз. Биз бу ҳақда бир неча марта хўжалик раҳбарларига мурожаат қилдик. Аммо бирор натижа бўлмади. Табиий газсизчалма, ўтин ёқиб кун кечириш мумкин. Лекин сувсиз яшаб бўлмайди-ку?!

Маҳалламизга сув қувурлари ўтказилган бўлса-да, аҳоли ҳамон сув билан таъминланмаётир»

Биз бу муаммоларга ойдинлик киритиш мақсадида мазкур хўжаликда бўлдик. Хўжалик бошқарув раиси Р.Пардаевни машина трактор паркида учратдик. Шу ерда, парк аҳволини кўздан кечирдик. Баллонларию, эҳтиёт қисмлари ечиб олинган, ер ҳайдайдиган «чўлоқ» тракторлар, тагига темир-терсак қўйиб кўтарилган машиналар очиқ ҳолда ёғинсочинда қаровсиз ётибди. Пастроқда бир неча қорамол бемалол ўтлаб юрибди. Саломаликдан сўнг раҳбар хўжаликда кўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида «тўлқинланиб», узоқ гапирди. Халқнинг турмуш фаровонлиги кейинги икки йилда, айниқса, ривожланиб бораётганлигини таъкидлади.

Шикоят хатини кўздан кечиргач эса «раис бобо» дабдурустдан тутақиб кетди. — Сен айтган жойга бормайман, — деди аввалига сенсираб. — Хоҳласанг ўзинг боравер. Хатда ёзганлари ёлғон, туҳмат бу. Хўжалигимиз юз фоиз ичимлик суви билан таъминланган. Тўғри, табиий газ йўқ. Лекин, газлаштириш ишларини аллақачон бошлаб юборганмиз. Яқинда Нукусдан бир километрга етадиган қувур олиб келдик.

Раисга шу куннинг иқтисодий ислоҳотларига доир тадбирлардан сўз очганимизда бу ҳақда шикоят хатида ёзилмаган-ку ука, дейди аччиқланиб.

Тўғри, 1998 йил узум топшириш режаси 40 фоизга уддаланди, холос. Чунки, узумни совуқ уриб кетди. Уз вақтида дориламмади ҳам. Р. Пардаев билан янги қурилиш маҳалласига бордик. Йўл-йўлакай раҳбар бу маҳалладаги сув чиқарадиган насос икки ой илгари қўйилганлигини, яқин кунларда янги насос ўрнатилажагини айтди. Шу сабаб вақтинча тоза ичимлик суви йўқ. Хўжаликда истиқомат қилаётган 11 мингдан ортиқ аҳоли ҳам фақат эрталаб ва кечқурун кран сувидан баҳраманд бўлар экан. Мана энди хўжалик раҳбарининг қайси гапига ишониш мумкин?!

Шикоятда айтилганидек, ҳақиқатан ҳам бундан уч йил олдин хўжаликка газ олиб келиш учун қувурлар ўрнатилган. Лекин иш охиригача етказилмай, аҳолининг орзуси орзулигича қолиб кетаверган. Орадан шунча вақт ўтса ҳамки, бу аҳвол ўзгаргани йўқ.

«Зангори олов» ушбу хўжаликка қачон келиши номаълум. Шу куни бош ҳисобчини раис билан ахтариб ҳам тополмадик. Хўжаликнинг ёнилғидан дебиторлик қарзи 8 миллион экан. Бошқа қарзларни раҳбар эслай олмади, гўё энди маош ҳақида гапирмасак ҳам бўлар!

Нафақага чиқишимга бир йил қолди, — дейди раис биз билан хайрлашаётиб. — Бир илож қилиб нафақага чиқиб олай, кейин хўжалик нима бўлса бўлар. Менга деса...

Ачинарли томони шундаки, йилдан-йилга хўжалик эгасизлик оқибатида талон-тароқлик, ривожланиш ўрнига қолоқлик, меҳнаткашлар даромад олиши ўрнига кўруқ ваъдалар гирдобига тушиб қолган. Хўжалик раиси Ражаб Пардаев фақат ўзини ўйлайдиган «раҳбар» чиқиб қолди. Йўқса, тиниб-тинчимай ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш ўрнига, «Биз давру даврон сураверсак ҳам бўлаверади» қабилида иш тутармиди! Бунга бир мисол шуки, 1997 йилга қараганда ўтган 1998 йилда узумчилик бўйича ҳосилдорлик қарийб эллик фоизга камайиб кетди. Аммо, шундай бўлса-да, у киши бу ҳолни «Нима бўлди, бир йил ҳосилдорлик озайган бўлса камроқ еймиз-да» — дейди. Ваҳоланки, бундай ҳолат хўжалик чорвачилигида янада ташвишдидир. Биргина 1998 йил ичида олдинги йилга нисбатан етмишта қорамол, 13,1 тонна гўшт, 12 тонна сут ва 22 бош бузоқ камайган. Қизиғи шундаки, хўжаликда чорвага озуқа тўплаш, қишдан молларни талофатсиз чиқариш учун белгиланганидан кам озуқа тўпланган-у, 1998 йил мобайнида молларга «едирилган» озуқаларни ва улардан ишлаб чиқарилган чорва маҳсулотлари таҳлил қилиб кўрилганда, озуқа белгиланганидан бир неча баробар кўп сарфланган. Мисол учун хўжаликда 1998 йилнинг 8 ойида молларга 5 минг килограмм қўшимча вазн ўстириш бўлган, бу вазн ўстириш учун эса 63 тонна озуқа бирлиги сарф бўлиши лозим бўлса-да, Р. Пардаев хўжалигида 383 тонна озуқа сарфланиб, 320 тонна кўп «сарфланган» эмиш. Ажабажабки, озуқа кўп сарфланганку, маҳсулотдан дарак йўқ. Эҳтимол ортиқча сарфланган озуқалар хўжалик чорвасига ҳақиқатдан ҳам сарф бўлганми ёки сигирларга берилиши лозим бўлган озуқаларга «дайди бўрилар» шерик бўлишганми, бунга ҳуқуқ-тартибот идоралари текшируви аниқлик киритади деб ўйлаймиз.

Шу нарса аниқки, бугунги ислоҳотлар даврида Р. Пардаевдек одамларнинг хўжаликни бу аҳволга туширib қўйишига чидаб келаётган туман ҳокимлигига ҳам «қойил» қоласан, киши.

Мана сизга бир хўжаликдаги аҳвол. Мана раҳбарнинг масъулияти. Барча ишлар ўлдажўлда, хўжакўрсинга бажарилмоқда. Бу аҳволда эртани, келажакни қандай тасаввур қилиш мумкин? Бундай иллатнинг асл илдизи қаерда! Мутасадди раҳбарлар шулар ҳақида бугун ўйлаб кўришмаса, эртага кеч бўлиши аниқ.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 12 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	70,22	1 Польша злотийси	31,91
1 Австрия шиллинги	9,55	1 СДР	155,88
1 Англия фунт стерлинги	181,72	1000 Туркия лираси	0,35
10 Бельгия франки	32,59	1 Финляндия маркаси	22,11
1 Голландия гульдени	59,65	1 Франция франки	20,04
10 Греция драхмаси	3,97	1 Швейцария франки	81,02
1 Дания кронаси	17,22	1 ЕВРО	131,45
1 БАА дирхами	30,15	10 Жанубий Корея вони	0,93
1 АҚШ доллари	110,74	1 Япония иенаси	9,75
1 Миср фунти	32,48	1 Россия рубли	4,94
10 Испания песети	7,90	1 Украина гривнаси	32,31
100 Италия лираси	6,79	1000 Белорусь рубли	1,02
1 Канада доллари	72,25	1 Латвия лати	195,31
1 Хитой юани	13,38	1 Литва лити	27,69
10 Люксембург франки	32,59	1 Молдова лейи	13,31
1 Малайзия рингтити	29,14	1 Қирғизистон соми	3,74
1 Германия маркаси	67,21		

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Бу дунёнинг ишлари

Бельгия

Ҳозирча муомалада накд евро бўлмасада, Европа валютаси билан қаллоблик ҳаракатлари бошлаб юборилди. Бельгиянинг Брюссель шаҳридан узоқ бўлмаган Жодонь қишлоғида шундай ҳол юз берди. Бир киши ўзини банк хизматчиси деб таништириб, 83 ёшли деҳқонга қўнғироқ қилди. Гўёки Бельгия франкини тезроқ еврога алмаштириш зарур эмиш. Кекса мижозларга эса банк хизматчилари уйига бориб хизмат кўрсатар эмиш. Евро ҳақида сал маълумотга эга бўлган чаласавод деҳқон бу гапларга лаққа ишонди. Бояги «банк хизматчиси» эса деҳқоннинг уйига тезда етиб келди. Тезкорлик билан қариянинг пулларини санади. Бу пуллар тахминан 2 минг долларга тенг эди. Банк хизматчиси пулни чўнтакка урди-да, ҳозир сизга евро олиб келаман деб, «қўён»нинг суратини чизди.

Тожикистон

Тожикистон расмий доираларининг хабарларига кўра, Тоғли Бадахшон туманида муҳолифатчи гуруҳларнинг бири томонидан тўртта бегуноҳ деҳқон ўлдирилди. Улар ўз қорамолларини жиноятчиларга бермаган эди. Ушбу ҳодисада яна тўрт киши яралор бўлди. Бир милиционер эса гаровга ушланди. Яна хабар қилишларича, Тожикистон — Афғонистон чегарасини қўриқлаётган россиялик чегарачилар Афғонистондан ўтиб келаётган қуролли гуруҳга қарши ўт очишди. Натижала чегарани бузиб ўтган тўрт киши ҳалок бўлди. Улар наркотик моддалар билан савдо қилиш учун келганлар, деб тахмин қилинмоқда.

Бу дунёнинг ишлари

Қозоғистон

Қозоғистонда бўлиб ўтган Президент сайловларида дастлабки маълумотларга кўра, 58 ёшли Нурсултон Назарбоев ғалаба қозонди. Шундай қилиб у президентлик лавозимини яна етти йилга сақлаб қолди. Республика марказий сайлов комиссиясининг кеча эрталаб тарқатган дастлабки маълумотларига кўра, Назарбоев учун сайловда иштирок этган қозоғистонликларнинг 78,33 фоизи овоз берган. Янгиланган коммунистик партия раҳбари Серикболсин Абдильдин 13,5 фоиз овоз олди. Давлат божхона қўмитасининг раиси Ғани Қосимовга сайловчиларнинг 4,3 фоизи ва парламент сенатори Энгельс Габбасовга атиги 0,7 фоизи овоз берди. Якшанба куни бўлиб ўтган Президент сайловларида мамлакатда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 86 фоиздан кўпроғи иштирок этди. Қозоғистондаги сайловнинг сўнгги якунлари кеча чиқарилди.

Туркманистон

Президент Сапармурод Ниёзов Бош вазир ўринбосари Борис Шихмурадовни ўз вазифасидан озод қилди. У Ашгабадда бўлиб ўтган йиғилишда Шихмурадовни китоб дўконларини тижорат тизимларига ижарага бериб юборганликда айблади. Бироқ Б.Шихмурадов мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг раҳбари сифатида ишлайверади. Кенгашда С. Ниёзов Туркманистондаги физкультура, спорт ва ёшларнинг фойдали дам олишини ташкил этувчи ташкилотларни кескин танқид қилди. Чунончи, улар оммавий ва профессионал спортни ривожлантиришни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, юксак маданиятли миллий спортчилар тайёрлашга эътибор қилмай қўйишган. Бунинг ўрнига тадбиркорлик билан шуғулланишган. С.Ниёзов хорижий спортчиларни Туркманистон жамоаларида иштирок этиши тажрибасига кескин барҳам бериш кераклигини айтди. Спорт қўмитаси шаънига жиддий гаплар айтилди. С.Ниёзовнинг айтишига кўра, хазинадан 26 миллион доллар сарфлаб бунёд этилган Ашгабаддаги стадиондан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилмаяпти. Шу боис ҳам, ўйингоҳларга аҳолининг кенг қатламлари келмаяпти. Давлатнинг юқори лавозимидаги вакиллари ўз фарзандларига, қариндош-уруғларига ҳадеб эътибор беравермаслиги керак. Президентнинг айтишига кўра, улар болаларни соғлом, билимдон қилиб ўстиришга ўз ҳиссаларини қўшиши лозим.

Россия

Марказий банкнинг собиқ раҳбари Сергей Дубинин Россияда 17 августдан сўнг юз берган молиявий инқироз учун тўғридан-тўғри жавобгар. Бу ҳақда Москвадаги матбуот анжуманида Россия Бош прокурори Юрий Скуратов айтди. Бош прокурорнинг айтишига кўра, ҳозиргача кўплаб қонун бузилишлари аниқланди. Айрим шахслар 100 миллион рублларга маблағни ўмариб юборишган. Ҳозирча текширув давом этмоқда. Юрий Скуратовнинг айтишига кўра, давлат раҳбарлари махсус маъруза билан танишгач, бу маълумотлар эълон қилинади.

* * *

Россия Федерацияси Бош вазири Евгений Примаков ҳукуматнинг «Давлатлараро «Ильюшин» авиасозлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига имзо чекди. Журналистларга хабар қилишларича 1999 йилда тузиладиган давлатлараро «Ильюшин» авиасозлик компанияси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шаклида тузилиб, унда Россия Федерацияси, Ўзбекистон ва бошқа сармоядорлар иштирок этади. Воронеждаги самолётсозлик ҳиссадорлик жамияти ҳам ушбу лойиҳада қатнашади.

Голландия

Ўтган ҳафтада бутун дунёга машҳур «Макдональдс» компаниясининг Голландиядаги ўнлаб ресторанлари ходимлари ўз мижозларини қабул қилишмади. Чунки телефон орқали портлаш хавфи ҳақида хабар қилинган эди. Бунинг учун кўплаб ташкилотлар масъулиятни ўз зиммасига олди. Улар орасида Ерни қутқариш фронти, Ҳайвонларни қутқариш фронти, Радикал аксилимпериалистик ҳаракат вакиллари бор. Ҳатто, халқаро террорчи Бин Ладен номидан қўрқитиш ҳоллари ҳам юз берди. Масалан, Нидерландиянинг жанубидаги филиалларидан бирида бир соатдан кейин бомба портлайди, деган гаплар ҳам бўлди. Бироқ тезда етиб келган сапёрлар ҳеч қандай бомбани топишолмади. Ерни қутқариш фронти вакиллари «Макдональдс»ни Жанубий Америкадаги ўрмонларни кесиб юборишда айблади. Бинобарин, «Макдональдс» да сотилаётган гамбургерлар ўша яйловларда боқилган қорамолларнинг гўштидандир. Ҳозирча полиция телефон террорчиларининг изига тушгани йўқ. Голландиянинг тергов органлари дастлабки кўнғироқлардан сўнг шуни аниқлашдики, кейинги кўнғироқларни безорилар амалга оширишмоқда. Лекин шунга қарамай ресторанларнинг кўпгина мижозлари ушбу ташкилотлардан қадамларини узишмади.

Қирғизистон

Хорижий сармояларни ва кредитларни Қирғизистон иқтисодиётига жалб этиш учун саноат базасини ривожлантириш борасидаги аниқ лойиҳалар бўлиши шарт. Бу ҳақда ҳукумат мажлисида Президент Асқар Акаев айтди. Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилга мўлжалланган вазифаларни муҳокама қилишга бағишланганди. Ҳукумат раҳбарининг айтишига кўра, Япония ҳукумати ва жаҳон банки томонидан мамлакат энергетика тизимини ривожлантириш учун ажратиладиган 42 миллион доллар маблағни олиш масаласи хавф остида турибди. Чунки хорижлик экспертларнинг айтишига кўра, ҳукумат энергетика мажмуини ривожлантиришга унчалик эътибор бермаяпти. Шу боис ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 3-4 фоизга камайган. Сўзининг охирида Асқар Акаев 1999 йилда мамлакатда энергетиканинг барқарорлиги таъминланади, деб умид билдирди.

Белоруссия

1996 йилда Президент Александр Лукашенко томонидан тарқатиб юборилган XIII чақириқ Белоруссия Олий кенгаши депутатлари шу йилнинг 16 май кунини республика Президенти сайланадиган кун деб эълон қилишди. Собиқ парламентнинг спикери Семён Шарецкий халқ Александр Лукашенкони беш йил муддатга президентликка сайлаган. Шу боис, ҳеч қандай референдум тўғридан-тўғри президент сайловлари ўрнини боса олмайди, деди. Муҳолифатчилар томонидан ташкил этилган президент сайловлари бўйича марказий сайлов комиссиясининг раиси Виктор Гончар эса майда ўтадиган президент сайловларига халқаро кузатувчиларни ҳам жалб этиш зарурлигини айтди. Ҳозирча расмий Минск тарқатиб юборилган парламент депутатларининг қарорига қандай жавоб бераётганлиги номаълум.

Ажралишнинг касри болаларга урмоқда

Айни пайтда экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Венгриядаги 40 фоиз оила ўз болалари учун яхши шароит яратиб бериш имкониятига эга эмас. ЮНИСЕФ халқаро институтининг маърузасида айтилишича, мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг тўртдан бир қисми ёлғиз яшамоқда. Шу йилнинг ўзида тузилган никоҳларнинг қарийб ярми бузилиб кетди. Болаларнинг 22 фоизи никоҳсиз туғилмоқда. Ёлғиз ота ёки она томонидан тарбияланаётган болалар сони ҳам кўп. Шу боис ҳам, Венгрияда аҳоли сони 1990 йилдан бери 4 миллион кишига камайиб кетди. Болалар ва ўсмирлар сони эса 2,3 миллиондан 1,8 миллионга тушиб қолди. Демак, ажралишнинг касри болаларга ураркан.



Табиат — буюк неъмат

Табиат билан ўйнашманг!

Биронта завод, машина тугул «чет эл сақичи» ҳам бўлмаган, ҳамма нарса Оллоҳ томонидан қандай яратилган бўлса, шундай мусаффо, гўзаллигича яшнаб турган пайтлар бўлган. «Цивилизация» деб аталган нарса эса минг-минг йиллар ўтиб, ана шу гўзал табиат бағрига урилган пичоқ бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Миллион-миллион машиналар у ёқда турсин, ишлаб чиқарилаётган турли сунъий моддалару химикатлар, бунинг устига саркофагга кўмилган уранлару ҳар хил ракеталарнинг қолдиқлари ва ҳоказо сарқитлар она табиатимиз вужудини ларзага келтирмоқда, унинг нафас олишини қийинлаштирмоқда. Океану денгизлар ва тоғлар яратилишида ўзига хос ер мувозанати ҳосил бўлган дейишади. Аммо, Тинч океанида бу йил сув ҳарорати 6 даража кўтарилгани оқибатида бутун Оврўпо жала ва сел остида қолди. Ёзда дўл ёғиб, қишда ҳароратнинг кўтарилиб кетишидан Оллоҳнинг ўзи асрасин. Иқлимшунос Жеймс Хансен НАСА мутахассислари билан ҳамкорликда ер юзи ҳарорати кейинги 10 йил ичида 0,12 даража ошганини аниқлади. 1998 йил июль ойи, Америка Миллий иқлим маркази тарқатган хабарга кўра, бутун инсоният тарихида энг иссиқ ой бўлди. Ҳатто юқори даражадаги иссиққа бардош берадиган Ўрта Шарқ ва Миср аҳолиси орасида бунга дош бера олмасдан оламдан кўз юмганлар бўлди. Одатда, Мисрда қиш декабрда бошланарди. Ҳолбуки, Қоҳирада 18-20 даража иссиқ одатий ҳол бўлиб қолди. Қизил денгиз курортларида эса ҳарорат 20-25 даражада. Сув иссиқлиги 18 даражадан камаймади. Оврўподан келиб қишки байрамларни шу ерда чўмилиш билан ўтказаётганларнинг сони анчагина. АҚШ, Франция, Жанубий Америка ва Африкада бу йил жазирамалар сезилди. Қолаверса, ҳатто Антарктидада ҳам ҳаво ҳароратининг ошгани энг кўнгилсиз ҳодиса бўлди: унинг марказий қисмларида музликларнинг кўчиши оқибатида жаҳон океанида сув сатҳи 6 метрга кўтарилган!

Булар ниманинг касофати? Ер юзи аҳолиси «цивилизация» кетидан қувиб табиатни истаганича оёқости қила бошлаганидан! Атроф-муҳит муҳофазасига панжа орасидан қаралаётганидан!

Инсоният техника тараққиётига «миниб» қаергача ҳам бора оларкин? Ўзингиз яхши биласиз, «озон тешиги» олимларни жиддий ташвишга солмоқда. Ҳатто ўз вақтида даҳо ёзувчилар Лев Толстой ва Достоевскийлар ҳам бу ҳақда залворли фикрлар билдиришган эди. Аммо, «ялпи техник ва биологик» ва бошқа аниқ дунёвий фанларнинг гуркираб ўсиши оқибатида уларнинг сўзлари соя остида қолиб кетди... «Тараққиёт» тарақлаганича олға кетаяпти. Афандининг дарахт шохига ўтирволиб уни арралашига ўхшаш ҳолат сезилмоқда. Инсоният ўз бешиги — она табиатни техник цивилизация билан арралаб, узоққа бора оладими?

XXI аср гаплари

У ўзига қулайликлар яратиш билан муттасил машғул, аммо ўзи ўша қулайликларнинг қурбони бўлмайди, деб ким айта олади? Одамлар кўпроқ тайёр емишларга, техник қулайликлар, дивану уй жиҳозларига ўрганиб қолмоқда. Бу эса ғунчалик яхши хислат эмас, деган фикрга келишди археологлар. Инсонлар бориб-бориб, майдалашиб янтоқ устида азон айтадиган бўлади, деган гапда жон борга ўхшайди: келажак одамларининг бўйи пасайиб ёки гўзал одам шаклини йўқотиб энига ўсиб, квадрат шаклига киради. Бошидаги сочлари эса битта қолмай тўкилиб кетади, деган башоратлар бор. Венесуэлалик тиббиётчилар Леонардо Гарсия ва Виктор де Кордиллоларнинг аниқ илмий хулосаларига қараганда XXI аснинг биринчи ярмидаёқ ер юзидаги жами эркаклар сочи жуда тез тўкила бошлайди, бинобарин бу жараён ўсмирлигиданоқ бошланади. Ҳеч қандай дори-дармон табибларга югур-югур ёрдам бермайди. Бошни устара билан қиртишлаб юриш мода тусини олади. Яхшиямки, аёллар бошида нималар борлигини ҳозирча венесуэлалик тиббиётчилар «каромат» қила олмаяптилар. Хуллас, ҳозирги одамлар аввалги чиройига ўхшамай қолади. Ўзининг илк ғордаги наслидан умуман узоқлашиб кетади, дейишди зукко археологлар!

Эдинбурглик бир гуруҳ археологлар эса ҳар йили ўтказилаётган халқаро илмий фестивалда яна бир манзара дунёга келишини очиқ-равшан исботлаб бердилар. Олимларнинг айтишича, кам ҳаракатлиликка асосланган турмуш тарзи ва носоғлом овқатланиш энг зарарли оқибатларга олиб келади. «Тез овқатланиш»га, яъни овқатни меъёрида пишириб ейиш ўрнига пала-партиш, «тайёр» совуқ емишларга ружу қўйиш, энг қулай ҳаёт кечиришга, яъни жоннинг ҳузурига мослашиб қолиш ва ҳар қандай жисмоний ҳаракатлардан ўзини тийишга уриниш, қулоғига гап кирмайдиган, танбаллик ва ҳоказо энг ёмон оқибатларга олиб келаркан: одам ўзини оғир сеза бошларкан.

Мутахассислар ўз хулосаларида яна нималарга эътиборни қаратдилар? Улар шу пайтгача ер юзида одамларнинг чирой ўзгаришларига асосланиб, уларнинг юзлари тобора сарғайиб, табиийлиги йўқолиб, хатти-ҳаракатлари кўпроқ ётиб дам олишга ўч бўлиб бораётганини айтмоқдалар. Уларнинг севгига ҳам унчалик хушлари йўқ. Фақат битта нарсада олға силжиш бўлар экан: у ҳам бўлса бармоқлари жуда ҳаракатчан, яъни компьютер ва олисдан туриб бошқариладиган пультларга мосланган бўларкан. Дарвиннинг атроф-муҳитга мослашиб тобора такомиллашиб бориш назарияси ҳам бу аҳволда боши берк кўчага кириши мумкин, деган хулосага келишди ғарб олимлари. Чунки, технология шу тарзда гуркираб бораверса, инсониятнинг табиий қуввати йўқолиб, носоғлом бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бахтимизга, булар ҳали олимларимизнинг фаразлари, холос. Бу фаразга ғунчалик ишонмаяпсиз. Лекин юрагингизнинг бир чеккасида: «Жони бор гаплар!» деяётганингизни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз.

Ҳамид ИКРОМОВ тайёрлади

Хавфли касаллик тарқалмоқда

Швецияда сил касаллигининг қийин даволанадиган тури пайдо бўлди. Швециянинг юқумли касалликларга қарши кураш институти профессори Ву Никлассоннинг айтишига кўра ушбу касалликка қарши антибиотиклар иш бермай қўйди. Унинг сўзларига қараганда Швецияда 242 нафар сил касалига йўлиққан бемор аниқланди. Уларни одатдаги дори-дармонлар билан даволашнинг иложи бўлмаяпти. Айниқса, болалар кўпроқ касалга дучор бўлишмоқда. Фақат хориждан келганларгина эмас, балки Швециянинг ўзида туғилганлар ҳам сил касалидан азият чекишмоқда.

Мижозлар учун

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолияти асосий ўрин тутади. Айниқса, ислоҳотлар бардавомлигини таъминлаш, корхона ва ташкилотлар ишини молиялаш, тараққиёт одимлари банклар билан боғлиқ жараёндир. Республикамизда фаолият кўрсатаётган банкларга бўлган талаб анча юқори. Бу борада Ўзбекистон акциядорлик тижорат, саноат-қурилиш банки фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мухбиримизнинг Банк бошқаруви раиси Ўткир Ниғматов ва Банк кенгашининг раиси Ибрат Зайнутдинов билан қилган суҳбати шу хусусда.

МУХБИР: *Ҳурматли Ўткир Убайдуллаевич, Республикамиз Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганига мана уч ой бўлди. Мазкур Фармонни амалда бажариш борасида Банк бошқаруви, кенгаши аъзолари ва акциядорлар томонидан қилинган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.*

Ў. НИҒМАТОВ: Фармон матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Банк бошқаруви ва кенгашининг аъзолари белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш борасида бир қатор тадбирларни режалаштирди ва уларни амалга оширишга киришди. Булардан, албатта, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши ўтказилганлигини айтиш керак. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Банк кенгаши ташаббуси билан 1998 йилнинг 28 ноябрида Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унинг кун тартибига Банкнинг 10 ойлик фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан бир қаторда Банкнинг Низом жамғармасини кўпайтириш, унинг бошқарув раиси ва кенгаши аъзоларини қайта сайлаш, янги таҳрирдаги Низомни тасдиқлаш каби банк ҳаётига оид муҳим масалалар киритилди.

Акциядорлар кун тартибидаги масалаларни қизғин муҳокама этиб, Банк кенгашининг янги аъзоларини сайлаш, Банк Низомини тасдиқлаш, унинг сармоясини кўпайтириш ҳамда банкнинг 1999 йилга мўлжалланган тараққиёт дастурини тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилишди.

Кенгаш аъзолигига банкнинг йирик сармоядорлари, шу жумладан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Энергетика вазирлиги, «Кимё» концерни, «Кўмир» акциядорлик жамияти, Бухоро тўқимачилик комбинати каби тармоқ ва корхоналарнинг вакиллари сайланди.

МУХБИР: ***Банк кенгашининг вазифалари нималардан ташкил топади?***

И. ЗАЙНУТДИНОВ: Банк кенгаши акциядорлик жамиятимизнинг бошқарув органи бўлиб ҳисобланади. У банкнинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади ва банкнинг ўз вазифаларини бажаришига жавобгардир. Кенгаш акциядорлар умумий йиғилишининг алоҳида ваколатига кирувчи масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Чунончи, Банк кенгаши банкка омилкорлик билан раҳбарлик қилишни таъминлаши лозим. У банкнинг фаолияти, шу жумладан омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида кредитни тўғри ажратиш ва маблағларни инвестициялаш юзасидан жорий назоратни олиб боради. Кенгаш Банк бошқарувини тузади, унинг раисини тайинлаб, у билан меҳнатга ёллаш ҳақида шартнома тузади. Ички аудит хизматини ташкил этади. Кенгаш, шунингдек, республика қонунлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлайди.

Банк кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиғига киритишдан аввал йиллик ҳисоботлар, баланслар, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқади, акцияларнинг дивидендлари бўйича таклифларни тайёрлайди, банкнинг ҳаражатларини, банкни ривожлантириш бизнес-режаси билан солиштиради.

Банк кенгаши акциядорлар йиғилишини чақириш, банк фаолиятининг устувор йўналишларини ва ривожлантириш стратегиясини белгилаш, бизнес-режаларни тасдиқлаш, акцияларнинг номинал қийматини ошириш, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, банк фондларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқларига эга.

МУХБИР: ***Банк кенгаши қандай ишларни режалаштирди?***

И. ЗАЙНУТДИНОВ: Кенгаш биринчи навбатда банк капиталини активларга ва Банк мижозларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ даражада сақлашни белгилади. Биз акциядорларимизнинг фаол ёрдамлари билан қисқа муддат ичида 2 миллиард 100 миллион сўмдан иборат Низом фондини ташкил этдик. Бўлиб ўтган акциядорларнинг йиғилишида қабул қилинган янги Низомда уни 4 миллиард 500 миллион сўмга етказишни эълон қилдик. Бу катта миқдор ва бунга етиш учун имкониятларга эга ўзимиздаги ва хориждаги кенг инвесторлар билан иш олиб бориш талаб қилинади. Банкнинг акцияларига нуфузли ташкилот ва молиявий институтлар қизиқиш билдирмоқда. Буни Банк сармоясидаги қўйилмалар барқарор иш билан таъминлангани ва хизмат кўрсатилаётган тармоқ ва мажмуаларнинг тез суръатлар билан ривожланаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Банк фаолиятининг жорий 1999 йил учун асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Улар кенг қўламдаги масалаларни қамраб олган. Уларни амалга ошириш ресурслар салоҳиятини ўстириш, Банкнинг «банк-мижоз» ёки «мини-банк» турдаги кичик бўлинмаларини корхоналарнинг ўзида ташкил этиш йўли билан мижозларга банк хизматларини кўрсатиш жойларини яқинлаштириш, янги банк технологияларини жорий этиш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда ички ва халқаро молия бозорларида, мижозларнинг банк хизматларига эҳтиёжлари бўлган барча жойларда кўрсатилаётган банк хизматларининг сифатини, савиясини оширишга йўналтирилгандир.

МУХБИР: ***Кенгаш акциядорларнинг манфаат ва ҳуқуқларини қай тарзда ҳимоя қила олади?***

И. ЗАЙНУТДИНОВ: Кенгашнинг бутун фаолияти акциядорларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, энг аввало банкка ишониб топширилган маблағлардан иложи борича самарали тарзда фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Уларни кимё, ёқилғи-энергетика мажмуилари ҳамда бошқа узоқ муддат самара берувчи корхона ва лойиҳаларга жойлаштирамиз. Замонавий техникани тадбиқ қилаяпмиз, хизматларнинг янги турларини ўзлаштираяпмиз, бу эса нуфузли мижозларни жалб этмоқда. Шу туфайли қўйилган сармояларга юқори дивидендлар ҳосил бўлмоқда.

Шунингдек, акциядорлар банкни бошқаришда фаол қатнашмоқдалар. Мисол учун, яқинда бўлиб ўтган акциядорларнинг Умумий йиғилишида акцияларнинг 91,6 фоизига эгалик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари қатнашдилар. Албатта, улар ўзларининг манфаатларига жавоб берувчи қарорлар қабул қилдилар. Сезиларли даражада вазифалари кенгайган Банк кенгашига акцияларнинг йирик пакети эгалари сайландилар, бу банк ак-

Шикоятчи аразлади

Бугун минг истиҳола билан ўша кунни эсга олаяпман. Ўшанда кекса бир одамнинг кўтариб кирган шикояти ва унга илова қилинган семизгина ҳужжатларни қабул қилар эканман, отахондан шикоятнинг мазмунини оғзаки ҳам сўраб олган эдим.

— Ука, мен тўрт йилдан бери адолат учун курашиб келаяпман, — дея гап бошлаганди у ўшанда. —Аввалига мени қамаб ҳам қўйишди. Етти ой ҳеч бир айбсиз озодликдан махрум бўлдим. Аммо, Оллоҳга минг қатла шукрки, 1996 йилнинг 30 апрелида Сирдарё вилоят суди судья О. Эгамбердиев раислигида ишни кўриб чиқиб мени озод қилди.

Аммо, бу ҳали ишнинг юришгани эмас экан. Мана бу ҳужжатларни кўрсангиз бунга ўзингиз амин бўласиз.

Ўша куни шикоятчи узоқ гапирди. Бутун дард-ҳасратларини тўкиб солди. Унинг чекаётган изтиробларидан азоблардим, ўз ҳуқуқи учун кураша олишга қодир иродаси мени лол қилди. Айниқса, унинг «Ука, мен барибир қамалмайман, нафақа ёшидаги одамман, амнистиям қўлимда тайёр, аммо ҳеч қачон ёлғон айбни бўйнимга олмайман. Мени чақириб, ишингизни амнистияга тўғрилаб қўя қолайлик, қамалмасангиз бўлди-да, деганларга бу гапларни қайта-қайта айтиб келяпман», дея «ўжар»она гапиришлари этимни жимирлатиб юборди. Қани эди ҳамма ҳам адолат учун шу одамдай кураша олса.

Хуллас, бу кишига албатта кўмак бериш керак деган қарорга келиб отахон билан хайрлашдим. Аммо...

Ҳа, ҳом сут эмган банда, минг хил ташвиш билан ўралашиб, орадан вақт ўтганини ҳам билмай қолибман. Бу орада шикоят эгаси бир-икки марта келиб ҳам кетди, чоғи. Ниҳоят, бир куни шикоятни битталаб ўқиб, ҳужжатларни ўрганиб чиқдим. Ойдинлик киритиш лозим бўлган айрим маълумотлар бор экан. Аммо, энди шикоят эгасининг ўзидан дарак йўқ. Нима бало, аразладимикин? Виждоним қийналгандай бўлди. Ахир, аразласа ҳаққи бор-да, шунча вақтдан бери...

Ўзи нима гап эди?

Ўзимнинг айбимни ювиш учунми, ҳужжатларни қайта-қайта варақлайдиган одат чиқардим. Аммо, ҳар сафар қайсидир маълумот диққатимни тортади. Баъзан эса бу дунёнинг, тўғрироғи айрим ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ишларидан ҳайратим ошади.

Келинг, яхшиси ҳужжатлардан сизни ҳам озгина бохабар қилай.

Сирдарё вилоят судининг 1996 йил 30 августдаги ажримида ёзилишича, тергов органи Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туманидаги «Шайҳонтоҳур таом» майда улгуржи савдо ишлаб чиқариш жамоаси бирлашмаси раиси Воҳидов Абдураҳмон бирлашма мулки бўлган Пугачёв кўчасидаги баҳоси 1726000 сўмлик бинони таъсисчиларнинг розилигисиз, 1995 йилнинг август ойи ўрталарида Расулов Азим деган шахсга 340000 сўмга сотган, лекин олди-сотди шартномасини қайд эттирмаган. Расуловдан икки маротаба жами 270000 сўм пул олиб, уни бирлашма кассасига туширмасдан ўзининг фойдасига ўзлаштирган.

Судланувчи Воҳидов эса қўйилаёган айбларга иқрор бўлмасдан, воқеани қуйидагича баён қилади. Яъни, бирлашма балансида бўлган ўша эски бинонинг нархи 62500 сўм бўлиб, ҳокимият томонидан уни тезда бузиш ҳақида буйруқ бўлгани сабабли 16 май куни таъсисчилар умумий мажлисида, бирлашмага бирмунча фойда бўлсин деган мақсад билан, бузиладиган бинони бозор нархида бир миллион сўмга сотишга келишилган ва харидор топиш барчага юклатилган. Аммо, бу нархда харидор чиқавермагач, 21 август куни Расулов Азим деган шахс билан 340000 сўмга сотишга келишилган. Лекин у шартнома муддати тугаганда ҳам бинони бузиб кетмаганидан сўнг бош ҳисобчи топиб келган А. Томарин билан бинони 500000 сўмга сотишга 25 август куни шартнома тузилган. 5 сентябрь куни харидор томон бирлашма ҳисобига 350000 сўм ўтказган. Бироқ, шартнома муддати тугагандан сўнг А. Томарин бинони олмаслигини маълум қилиб, пулни қайтариб сўраган. Лекин, бирлашма ҳисоб рақамида бу пайтда пул йўқлиги сабабли пулни бино сотилгандан кейин қайтаришлари мумкинлигини айтишиб, айни пайтда биринчи харидорни қайтадан жалб қилишган ҳамда бинони тезда бузиб олиб кетишини талаб қилишган. У эса 15 сентябрдан бинони буза бошлаган. Шу ой охирида бирлашмага Томарин келиб, пулни нақд қилиб қайтаришларини, чунки ҳисоб рақамида пули йўқлиги, шу пулни ўз ишчиларига иш ҳақи сифатида тарқатишини айтган. Шундан сўнг Воҳидов харидор Расуловдан 270000 сўм пул олиб, Томаринга 268000 сўмни берган.

Судланувчи ушбу кўрсатмаларидан сўнг терговчи унинг важларини тўла ўрганмагани, ҳали шартномалар охирига етмасдан уни нотўғри айблашаётганини айтган.

Тергов қонунни четлаган

Хуллас, судда жабрланувчи сифатида иштирок этганлар Воҳидовга даъволари йўқлиги ҳақида кўрсатма беришган. Энг қизиғи эса...

Келинг, яхшиси кишини ҳайратга соладиган бу ишларни битта-битта кўриб чиқайлик.

1. Аввало, жиноий иш бўйича «Шайҳонтоҳур таом» жамоа бирлашмаси бухгалтерия ҳужжатларини тафтиш қилган Ж. Осмонов судда сўроқ қилинганда тафтиш баённомаси тузишда ўзининг катта хатоликка йўл қўйганини, бинонинг баҳоси ростдан ҳам 1726000 сўм эмас, балки 62182 сўм эканлигини, Воҳидов билан Томарин ўртасидаги шартнома ҳам тўғри тузилгани, у Томаринниг айби билан бузилганлигини тан олади (Негадир, хатоликка йўл қўймаслик ҳақида у тафтишдан олдин огоҳлантирилмаган).

унинг ҳам савол бериш ҳуқуқларини тушунтириши, сўнг эксперт хулосаси билан ҳам таништириб, эътироз ёки талаблари борлигини аниқлаши лозим эди. Афсуски, қонуннинг бу талаблари тергов органлари томонидан бузилган.

3. Жабрланувчи сифатида судда сўралган А. Расуловнинг кўрсатмалари янаям даҳшатлироқ. У Воҳидовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, 1995 йилнинг 19 октябрь куни уни огоҳлантирилганлиги ҳақида ҳам, қонунга хилоф равишда, қайд қилинмаган.

Бу бир-биридан ғаройиб маълумотларни ажримдан ўқир экансан, суд пайтида судьяларнинг портлаб кетмаганига қойил қоласан, киши. Бироқ улар ҳаммасини ўрганади, судланувчининг важлари тергов органи томонидан тўла ўрганилмагани, ҳатто қонун талаблари бузилгани, унга қўйилаётган айбларнинг бир одамни сарсон қилган, қонунни менсимаган терговчи-чи? Уларга ҳам бирон чек-чегара борми ўзи? Суд томонидан терговчи, милиция майори Ш. Мелибоев устидан чиқарилган хусусий ажрим етарлимикин?

Республика прокуратурасига бўйсунишмаган

Ҳа, ишни қайта терговдан сўнг, 1997 йилнинг 29 октябри-

Уч йилдан сўнг

Энди нима бўлади?..

2. В. Пономаренко деган шахс томонидан тузилган акт-тафтиш хулосасининг эса қандай қилиб, қачон ва қайси терговчининг қарорига асосан тузилгани, ўзи бу шахс қаердан чақирилгани, мутахассис сифатида хулоса бериш даражасида билимга эга ёки йўқлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот мавжуд бўлмаган. Бунинг устига, ушбу акт Воҳидов ҳибсга олинган куни пайдо бўлган. (?)

Қонунга кўра эса суд-бухгалтерия тафтиш экспертизаси ўтказилиши, терговчи бу ҳақда қарор чиқариб у билан айбланаётган шахсни таништириши, унга лозим бўлган саволларни бериши ва ўғиллари билан ИИБ тергов бўлимига олиб келишганини айтиб, кечгача у ерда ушлаб туришди, қандай шартнома тузганингиз ҳақида ёзиб беринг, дея талаб қилишиб тушунтириш хати ёздиришди, лекин ариза ёзмаганман, даъвом йўқлигини терговда ҳам айтганман, фақат бир нарсаларга қўл қўйдириб олишган, дейди.

Ваҳоланки, ишда Расулов номидан ёзилган ариза мавжуд бўлган, аммо уни ким қабул қилиб олганлиги ҳақида ҳам, ариза берувчи била туриб ёлғон маълумот берса жавобгарликка тортилиши тўғрисида қисми ўз исботини топмагани, бошқа бир қисми бўйича эса тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмаганлиги, хуллас, ҳамма-ҳаммасини ҳисобга олиб, Воҳидовни суд залида қамоқдан озод қилиш, ишнинг бир қисмини эса Республика прокуратураси орқали терговга қайтариш ҳақида ажрим чиқаради. Қайта терговда ўрганилиши керак бўлган ҳолатлар ҳақида кўрсатмалар беради.

Бунинг учун судга таҳсин айтиш ҳам мумкин, аммо бошқа бир нарса ўйланти-риб қўяди — шунча да судья М. Абдуғаниев раислигида кўриб чиққан Чилонзор туман суди худди шундай хулоса қилади. Яъни, ишни ўз назоратига олган Республика прокуратураси томонидан 1996 йилнинг 16 июль куни Тошкент шаҳар прокурори Э. Жўраев номига хат йўлланиб, унда қайта тергов олиб боришликни шаҳар прокуратурасининг малакали терговчисига топшириш ва тергов устидан қаттиқ идоравий назорат ўрнатиш сўралган бўлишига қарамасдан ёзма равишдаги кўрсатмалар қўпол равишда бузилган.

Суднинг бундай қарорга келишига эса бир қанча

Қулай тадбир

Ислоҳот ва масъулият

акциядорларининг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қарорлар қабул қилинишининг кафолатидир.

Акциядорларнинг манфаатларини банкда ишлаётган ходимлар таъминлаши зарурлигини биз ўз ишимизда асосий вазифа қилиб қўйганмиз. Шунинг учун кадрларга юқори талаб қўямиз. Бу соҳада давлат ҳам, мижозлар ҳам, акциядор корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам ва ўз жамғармаларини сақлаш учун банкка топширган оддий фуқаролар ҳам ишонадиган кишилар ишлаши керак.

Кўпгина мижозларга зарур кредитларнинг берилиши уларнинг молиявий аҳволи ва тўловга қобилиятлилигини чуқур ўрганишни талаб этади. Чиндан ҳам, қарз маблағларининг қайтарилишини кафолатлаш учун қатор ҳужжатлар сўралади. Аммо уларнинг қайтарилиш муддати бузилганда қарзлар муддати ўтган ҳисобланади ва улар бўйича фойдаланганлик учун тўлов тушмайди. Бунда тил бириктириш, хизмат мансабидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳақида шубҳа туғилиши мумкинлиги табиий. Мазкур ҳолатларда қўшимча текширувлардан кейин айбдор шахслар бўйича материалларни ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига топширамиз. Биз бундан буён кредит сифати билан бирга банк активлари сифатини ҳам қатъий назорат остига оламиз.

Банк ишининг юқори талабга эга бошқа бир йўналиши — капитал қурилишни молиялашдир. Банк мутахассислари иштирокида контрактларни ўз вақтида ва саводли тузиш, молия маблағларини жамлаш ва улардан фойдаланиш, ишларни бўнаклаш, бажарилган ҳажмларга ҳақ тўлаш, олинган бўнакларни ишлатиш масалалари ҳал этиляпти. Бу Шўртан газкимё мажмуи, нефтни қайта ишлаш ва биокимё заводлари каби йирик объектлар билан баравар даражада ижтимоий соҳа объектларига ҳам тааллуқлидир. Бу борада виждонли, билимли, ташаббускор ходимлар керак.

Кадрлар билан иш олиб бориш, ишонч билдириб топширилган маблағ учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бозор шароитида хизмат кўрсатиш малакаларини ошириш — бизнинг кундалик ишимиз бўлиб қолади. Президентимиз таъкидлаганидек, ишдаги аҳволни реал баҳолаш, талабчан бўлиш, хизматдаги камчиликлар учун жазо чораларини қўллаш ва бу борада холис бўлишга интиляпмиз.

Акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш иши бўйича яна бир йўналиш — назорат вазифаларини кучайтиришдир.

МУХБИР: ***Банкни назорат қилиш бўйича қандай чоралар режалаштирилган?***

И. ЗАЙНУТДИНОВ: Республика Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги Фармонига мувофиқ қабул қилинган чоралар натижасида банкни бошқаришда Банк акциядорлари ва кенгашининг роли сезиларли ўсди. Кенгаш фойдалилик мониторингини олиб боради. Бу кенгаш томонидан активларга нисбатан даромад, бир оддий акцияга даромад, умумий фоиз маржасининг ҳажми каби молиявий кўрсаткичлар, шунингдек банкнинг фоизлар тўловига боғлиқ бўлмаган, активларга нисбатан ҳаражатлари мунтазам назорат қилинади демакдир. Кредит портфелининг сифати қатъий назоратга олинган. Бугунги кунда Банк кенгашининг розилигисиз бирорта ҳам умидсиз кредит ҳисобдан чиқарилиши мумкин эмас. Бундай розиликни олиш учун жиддий асослар зарур.

Йирик битимларга, шунингдек банк раҳбарлари ёки катта акция пакетлари эгаларининг манфаатдор бўлиши эҳтимоли бор битимларга алоҳида эътибор берилган. Бундай битимларни фақат Банк кенгашининг розилиги, қатор ҳолатларда эса фақат умумий йиғилиш розилиги билан тузиш мумкин. Манфаатдор кишилар эса мазкур масалалар бўйича овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Бу чора банк барқарорлиги ва барча акциядорлар ҳамда омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Назорат тартибида Банк кенгаши вақти-вақти билан чоракда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда банкнинг молиявий аҳволи ва фаолияти тўғрисидаги ёзма ҳисоботларни кўриб чиқади, шунингдек, бошқарув раиси ва ички аудит хизмати раҳбарининг маърузаларини эшитади.

Назоратнинг яна бир шакли бу — молиявий ҳисоботларни текшириш натижалари тўғрисида мустақил аудиторнинг ҳисоботини олишдир. Бугунги кунда бизнинг банкда бундай ишни дунёга машҳур «KPMG» фирмаси олиб боряпти.

МУХБИР: ***Ўткир Убайдуллаевич, Сиз билан 1999 йилнинг январь ойида учрашиб турибмиз. Шу муносабат билан 1998 йилнинг дастлабки якунлари ҳақида сўзлаб берсангиз.***

Ў. НИҒМАТОВ: Банк хизматидан фойдаланишни лозим топган мижозлар билан ўзаро муносабатларни қуйидаги тамойил асосида қурганмиз: «Мижоз банк учун эмас, балки банк мижоз учун».

Декабрь ойида биз банк ҳисоб варағи тўғрисида шартноманинг янги лойиҳасини ишлаб чиқдик. Унда мижозларнинг манфаатлари юқори даражада ҳисобга олинган. Бу шартнома бир мижозга бир вақтнинг ўзида унинг ҳам сўмдаги, ҳам валютадаги ҳисоб варағига хизмат кўрсатиш имконини беради. Унда ҳукуматнинг ва Марказий банкнинг ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатиш борасидаги барча сўнгги йўриқномалари ва кўрсатмалари ҳисобга олинган. Мижознинг ўз манфаатлари камситилиши ҳолатлари юзасидан банкка эътирозлар билдириши бўйича ҳуқуқлари, айниқса валюта бўйича хизмат турлари анча кенгайтирилган. Банк миллий ва чет эл валютасида аккредитивлар очиш, мижозларнинг илтимосига кўра валюта маблағлари бўйича ёзишмалар олиб бориш, уларни излаш ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича ўзига мажбуриятлар олади. Бунда бу хизматлар учун олинадиган ҳақлар бошқа тижорат банкларникига нисбатан пастдир.

Биз мижозлар билан ишлашнинг янги шаклларини қўллай бошладик. Сўз «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси тўғрисида бормоқда. Унинг мазмуни шундан иборатки, мижознинг уйида ёки офисида автоматлаштирилган иш жойи ўрнатилади. Мижознинг ҳар куни банкка ташриф буюришига ҳожат қолмайди, унинг ҳамма тўлов топшириқномалари электрон почта орқали амалга оширилади. У ўз ҳисоб варағи тўғрисида маълумотни зудлик билан олиши, маблағлари ҳаракатидан доим хабардор бўлиб туриши мумкин. Бу операцияларни аниқ ҳисобга олишни ва юқори тезкорликни таъминлайди, мижознинг иш вақтини тежайди. Бизнинг амалиёт бўлимимизда ва бошқа қатор филиалларимизда бу тизим ишга туширилди, тезкорлиги ва ишончлилиги учун мижозларнинг юқори баҳосини олди. Биз бу ишни бундан буён ҳам кенг қўллашга тайёрмиз.

Мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида банкимиз мутахассислари уларга инвестиция (хорижий ва миллий валютада) дастурларини ишлаб берадилар ва улар ишлаб чиқарган маҳсулот бозор (маркетинг)ини йўлга қўйишда кўмаклашадилар.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» мухбирлари Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ ва Бахтиёр АБДУСАТТОРОВлар олиб боришди.

Ҳасан, Ҳусан ва Турғунжон

Жомбой туманидаги «Етти уруғ» қишлоғида яшовчи Гулбаҳор ва Зиёдбой Баҳодировлар оиласи янги йилда оиланинг янги фарзандларини кутиб олдилар. Ўша тунда бир йўла уч нафар ўғил туғилди. Уларга Ҳасанжон, Ҳусанжон ва Турғунжон дея исм қўйдилар.

Туман ҳокимлиги жажжиларга учта аравача ва бошқа қимматбаҳо совғалар тақдим этди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Бир миллионлик мурувват

Тошкентдаги болалар суяк сили шифохонасида даволанувчиларга турли корхона ва ташкилотлар томонидан байрам совғалари берилди. Хусусан, «Агро-Плюс K&MAG» фирмаси бир миллион сўмлик кўрпа, чойшаб, ёстиқ ғилофлари, сочиқ ва бошқа зарур ашёларни инъом этдилар.

— Мазкур фирманинг пойтахт шаҳримиздаги директори жаноб Александр Кайрлаповдан жуда мамнунмиз, — дейди бош шифокор Азиза Турсунова. — Ҳозирги иқтисодий шароитда бундай фирмаларнинг мурувватларини катта савоб деб айтиш мумкин.

Илмира МИРОЛИМОВА

Қўнғиротда бунёд этилаётган сода заводида суръат тобора ошиб бормоқда. Саноат мажмуи қурилишида Нукус, Тахиатош, Хўжайли ва мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан келган мутахассислар иштирок этмоқда. Қурувчилар учун барча шароитлар яратиб берилган. Барқарор юқори маош, текин иссиқ овқат, махсус кийим, қулай маиший шароитлар одамларга манзур бўлмоқда. Транспорт хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган. Айни пайтда умумий ётоқхонадан ташқари учта турар жой биноси ҳам қад кўтарди. Яқин келажакда бу ерда қурилган шаҳарчада 16 минг киши яшай бошлайди. Мустақиллик байрами арафасида 320 ўринли мактаб очилганлиги ҳам қувончли бўлди. Кенг кўчалар, боғ-роғлар, текис асфальт йўллар бунёд этилмоқда. Демак, чўл бўстонга айланмоқда.

Суратда: **«Қўнғиротсодақурилиш» трести прораби Жайилхон Кенжабоев билан мастер Ерғали Иброҳимов.**

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат

Дахлсизлик сарҳадларида

Мамлакатимиз божхона тизими Ўзбекистоннинг иқтисодий муҳофазасини таъминлашга даъват этилган. Республикамиз ҳудудига ноқонуний, сифатсиз моллар, қурол-яроғ, гиёҳвандлик моддалари олиб кирилишига йўл қўймаслик ва албатта, ички бозоримизни ҳимоя қилиш — божхоначиларнинг бош вазифасидир.

Бу борадаги ишлар билан танишиш мақсадида яқинда Жиззах вилоятида бўлдик.

Очиғи, кўпчилик Жиззахда ҳам божхона хизмати мавжудлигини билмайди. Уларнинг назарида вилоят мамлакатнинг «ичида» жойлашган деган тасаввур бор. Аслида ундай эмас. Жиззах қўшни Қозоғистон ва Тожикистон билан чегарадош. Ана шу чегара ҳудудларида божхона бекатлари ишлаб турибди.

Бошқарманинг навбатчилик қисми. Ҳар бир ахборот дастлаб шу ерда қайд этилади. Постдагилар қоидабузарлар, ушланган моллар хусусида рация орқали дарҳол шу ерга хабар беришади.

— Ходимларимиз ўзларига юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришяпти, — дейди бошқарманинг ташкилий назорат бўлими бошлиғи Маъруф Тошмуродов. —Бюджетга тушум режаси уддаланмоқда. Муаммолардан бири — тўловларнинг вақтида бизга ўтказилмаётганлигидир. Яъни, ходимларимиз томонидан ушлаб қолинган товар-моддий бойликлар мусодара қилиниб, тегишли ташкилотлар орқали сотилади. Ана шунинг орқасидан биздан қарздор бўлган ташкилотлар анчагина.

Ҳар бир нарсани жойида кўрган афзал. Биз ҳам шу қоидага амал қилиб божхона пости ходимлари иши билан танишиш учун Жиззахдан Мирзачўл туманига йўл олдик.

1-постдамиз. Мазкур манзилгоҳ Қозоғистон билан чегарадош. Транспорт воситалари ҳар икки томонга қатнаб турибди. Постдагилар ҳушёр. Ҳар бир машинанинг ичи, юкхонаси синчковлик билан назоратдан ўтказиляпти.

— Пост бошлиғи вазифасини бажарувчи Шароф Ҳожиматов жамоамизнинг энг тажрибали ходимларидан бири, — дейди божхона назоратини ташкил қилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Тоҳир Давронов. — У кишининг малакаси, амалий тажрибаси ёшларга ўз вазифаларини бажаришида асқотяпти. Қолаверса, ҳамкасбимизнинг контрабанда бўлимида тажриба орттирганлиги қонунбузарликларни тезда аниқлашда қўл келяпти.

Ушбу постда биргина декабрь ойида мамлакатимиз ҳудудидан товар моддий бойликлар олиб чиқиб кетишга йигирмадан зиёд уриниш ҳоллари бўлган. Шу даврда «чақон»лар икки тонна солярка, икки бош сигир, икки бош бузоқ, 80 кило гўшт, бешта қўй, 160 килограмм алюминий, бир бош от ва бошқа неъматларни ноқонуний йўл билан олиб чиқишга ҳаракат қилганлар.

— Ҳозир маънавият тўғрисида кўп гапирилмоқда ва тўғри қилиняпти, — дейди Шароф Тўраевич. — Негаки, маънавий баркамол одам халқ ризқини авайлайди. Юртбошимиз маънавий бойликни моддий бойликдан устун қўйганларида минг бора ҳақдирлар. Шунинг учун ҳам жамоамиз ўртасида ҳар душанба куни «Маърифат дарси» ўтказилмоқда. Машғулотларда асосан оммавий ахборот воситаларидан фойдаланяпмиз. Мамлакатимиз ҳудудига кираётганлар аввало божхона ходимининг кийимига, юриш-туриши, муомаласига эътибор қилишади ва шунга қараб хулоса чиқаришади. Демак, юксак маънавиятли, софдил кишиларгина божхона тизимида ишлашга лойиқ. Тизим ходимларига махсус кийим-бош, махсус унвонлар берилиб, погонлар тақиш белгилаб қўйилганлигига, қўшни мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз ҳавас қилишади.

Божхона бекати

— Шароф Тўраевич, сизларнинг постларингиздан кўпроқ нималарни олиб чиқишга уринишади?

— Ушлаб қолинаётган нарсаларнинг кўпчилигини озиқ-овқат маҳсулотлари, гўшт ва солярка ташкил қилади. Сабаби, бу нарсалар бизда қўшни давлатлардагига нисбатан анча арзон. Кейинги пайтда чорвачилик маҳсулотлари олиб чиқишга уринишлар сезиларли даражада кўпайди. Ички бозоримиз дахлсизлигини таъминлаш, истеъмол моллари четга чиқиб кетишининг олдини олиш учун ходимларимиз янада ҳушёр бўлиб, қонунбузарлар йўлини тўсишмоқда. Чорвачилик маҳсулотларини четга олиб чиқиб кетмоқчи бўлганларни ушлаганликлари учун нозирларимиздан Баҳодир Исмоилов ва Марғидон Нуралиев уч ойлик маош миқдорида мукофотланадиган бўлишди. Кўмитамиз раиси ташаббуси билан жорий этилган рағбатлантириш тартиби бизни янада сергаклик билан хизмат қилишга ундайди.

— Божхона қоидаларини асосан кимлар бузишяпти?

— Кузатиш ва сўровлардан шу нарса маълум бўлдики, қонунқоидани бузаётганларнинг аксарияти вақтинча ишламайди ёки умуман ишсиз фуқаролардир. Нафс балосига йўлиққан бундай кимсалар ҳеч нарсадан тап тортмайди, элимизга зарур бўлган маҳсулотларни олиб чиқиб кетмоқчи бўлишади. Бироқ, уларнинг «сафари» божхона постида якун топмоқда. Қолаверса, биз вилоят ва туман ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда қўшма рейдлар ўтказиб турибмиз.

Зоминдаги божхона постига келганимизда қоронғу тушиб қолганди. Смена бошлиғи Худойберди Аҳмедов бошчилигидаги божхона ходимлари сергак. Бу ердаги вазият билан қизиқдик.

— Илгари юртимизга Тожикистондан ноқонуний йўл билан спирт, сигарет ва дори-дармон олиб киришга уринишарди. Бундай ҳолларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказилганлиги учун ноқонуний ҳаракатлар нисбатан камайди.

Бошқармага етиб келганимизда вақт анча кеч бўлиб қолганди. Маълумотларга назар ташлаймиз. Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида яшовчи Бахтиёр Жовлиев деган «чаққон» 5738 килограмм алюминийни машинага ортиб рулни Қозоғистонга бурган, бироқ у манзилга етиб боролмаган. Арнасойдаги 2-пост посбонлари унинг йўлини тўсдилар. Худди шу постда қалбаки ҳужжат билан 17712 килограмм пахта толаси Қозоғистонга олиб кетилаётганда божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди. Умуман, 1998 йилда 92 ҳолат бўйича жами 55 тоннадан зиёд рангли металлни олиб чиқишнинг олди олинди. Катта миқдордаги спирт ва ароқ сифатсизлиги учун йўқ қилиб ташланган. Статистик маълумотлар Жиззах вилояти божхона бошқармаси ходимлари юртимиз бойликларининг четга чиқиб кетишининг олдини олиш ва ҳудудимизга саломатлик учун зарарли ва ноқонуний йўллар билан товар олиб кирмоқчи бўлганларнинг йўлини тўсиш борасида фидокорона хизмат қилишаётганлигини кўрсатиб турибди.

Бир маҳал Мирзачўлдаги 1-сонли постдан рация орқали навбатчига хабар қилишди:

— Бешта қўй ушланди.

— Тушунарли. Раҳмат сизга, Шароф Тўраевич.

Навбатчи журналга ҳозиргина олинган хабарни қайд этиб қўяркан, «бугунги натижалар чакки бўлмади», — деди.

Бир кунлик сафар мобайнида кўрган-билганларимиздан хулоса шуки, Жиззах вилояти божхона хизматчилари юртимизда тинчлик, осойишталикни, иқтисодий хавфсизликни сақлаш йўлида қонун устуворлигини таъминламоқдалар.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Оқлов ҳукми

асослар бор. Аввало, ушбу кўрсатма бажарилмаётганини сезишган шекилли, Республика прокуратурасидан шу йилнинг 12 август куни яна шу мазмунда хат йўлланган. Шундан сўнггина, яъни 19 август куни ушбу жиноят ишини шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси У. Ҳамидов ўз юритувига олган. Бироқ, талабга қарши ўлароқ, экспертиза ўтказиш ўрта-махсус маълумотли, марказнинг штатсиз ходими И. Шукинага топширилган. Воҳидов ва унинг ҳимоячиси Комилованинг «Шайҳонтоҳур таом» фаолиятини ҳам текширишларини сўраб ёзган талабномалари эса оқибатсиз қолдирилган.

Терговчи ишни 1996 йилнинг 26 декабрида Воҳидов касалдан тургунича, деган сабаб билан ҳаракатдан тўхтатган. Аммо, Воҳидовнинг касаллиги ҳақида ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган. Шу боис бўлса керак, шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари уни бекор қилади.

Шундан сўнг терговчи айбланаётган Воҳидов ҳаракатини ЎзР ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ва 189-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиб 1997 йилнинг 29 январида амнистия муносабати билан ишни яна ҳаракатдан тўхтатган. Бу қарорга Тошкент шаҳар прокуратурасининг Жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Т. Омонов ҳам ўз розилигини билдирган. Бироқ, шаҳар прокурори ўринбосари 7 март куни бу қарорни бекор қилган. Энди қайта тергов олиб боришликни ИИВнинг КРТҚББ тергов бўлимига топширган ва Республика прокуратураси кўрсатмалари узил-кесил ва қўпол равишда бузилган.

Ўйин ҳали давом этади

Шундай қилиб, ишни терговчи, милиция майори Т. Нурматов ўз қўлига олади ҳамда 25 апрелда Воҳидовнинг касаллиги (!) ва чақирилганда келмаётганлигини (!) рўкач қилиб (ҳеч бир асоссиз) ҳаракатдан тўхтатади. Шаҳар прокуратураси эса уни бекор қилиб, «Шайҳонтоҳур таом»да қўшимча тафтиш ўтказиш ва Воҳидовни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

Терговчи Т. Нурматов шундан сўнг тафтиш ҳақида қарор чиқариб, бу вазифани тафтишчи М. Исаевга топширган. У эса 12 июнда далолатнома тузади, лекин Воҳидов унга имзо чекмаган бўлиб, сабаби кўрсатилмаган.

Хуллас, бу «тўп ўйини»га қўшимча қилиб айтадиган бўлсак, Воҳидов ва ҳимоячисининг биронта талабномаси, ҳатто Н. Гильманов, Х.Тошбоев ва бошқалар томонидан жиноят содир этилгани ҳақидаги кўрсатмалари ҳам текширилмасдан тергов давомида қонун талаблари бузилган. Ҳатто Сирдарё вилоят суди тафтишчи Ж.Осмоновга бинонинг нархини тўғри кўрсатмагани учун хусусий ажрим чиқарган бўлишига қарамасдан бу ҳолат бошқа ўрганилмаган. Терговчи Мелибоев устидан чиқарилган хусусий ажрим эса оқибатсиз қолдирилган.

Шундай қилиб, суд ишни иккинчи марта Тошкент шаҳар прокуратураси орқали қайта терговга юбориш ҳақида ажрим қилади.

Яна ажрим

Ҳа, иш яна «пишмаган» бўлиб чиқди. 1998 йилнинг 5 мартида (орадан салкам беш ой ўтиб) Чилонзор туман суди судья Г. Мелиев раислигида уни қайта кўради (учинчи марта) ва қайта терговда иш ҳали ҳам якунланмаган, деган хулосага келади. Чунки, Воҳидов ва ҳимоячисининг талаблари, хусусан, Ж.Осмонов, Н. Гильманов, Х. Тошбоевларнинг ҳаракатларини текшириб кўриш лозимлиги, улар Воҳидовни қаматамиз деган мақсадда прокуратура ва ички ишлар ходимларини ишга солиб туҳмат қилганлиги ҳақидаги важлари атрофлича ўрганилмаган ҳамда Сирдарё вилоят судида кўрсатилган камчиликлар ҳамон бартараф қилинмаган эди.

Гапнинг индаллоси, яна ажрим: «... Тошкент шаҳар прокуратураси орқали қайта терговга юборилсин».

Ниҳоят...

Қоғоз юзини қоралаган бу машмашалардан (балки булар ҳали бу соҳадаги машмашаларнинг бир учидир, аммо мен учун шу ёғи ҳам тоғдай машмаша бўлиб кўринди) дилим хуноб бўлиб юрганига ҳам анча бўлиб қолган эди. Шундай қунларнинг бирида эшик қия очилиб, таниш, чарчоқлари акс этиб турган бўлса-да, қандайдир ишонч уларни яшириб турган чеҳра кўринди. «Шикоятчи!» Хаёлимда портлаган бу сўздан қанчалик севиниб кетган бўлсам (тўғриси, яна қамаб қўйган бўлишса керак, деб ўйлаган эканман), бир лаҳза ичидаёқ ўз бурчимни адо қилмаганим учун ичимга муз югурди, хижолатга ботдим.

Аммо, яхшиямки, вазият бошқачароқ экан.

— Ўшандан кейин яна суд ташвишлари билан банд бўлиб қолдим. Бунинг устига сизни ҳам қийнамасдан шу суд якунини ҳам олай деган истиҳолага бордим. Мана, адашмаган эканман, ниҳоят ҳукм чиқди, менинг мутлақо ҳақ эканлигим исботланди, — дейди Абдураҳмон ака майин жилмайиб. Мен ҳам унинг кайфиятига шерик бўламан. У ҳақиқатни топганидан, мен эса «шикоятчим» аразлаб кетмаганидан севинаман.

Ҳа, 1998 йилнинг 16 октябрь куни Чилонзор туман суди бу туя гўшти еган ишни кўриб чиқиб, унга якун ясади. Воҳидов тўла оқланди. Тўрт йилдан бери давом этаётган тергов жараёнида ҳалигача даъвогарнинг ўзи топилмаганидан кейин бошқа яна нима ҳам бўлиши мумкин, ахир?

— Шунақа бўлиши керак эди, шундай бўлди, — дейди ушбу суд ишига раислик қилган Чилонзор туман суди судьяси И.Насритдинов. — Адолат барибир қарор топади. Аммо, ўзингиз кўриб турганингиздек, ҳали бизнинг соҳамизда муаммолар йўқ эмас.

Судья бошқа ҳеч нарса демайди. Аммо, унинг қисқагина гапидан бу иш аллақачон адолатли ҳал этилган бўлиши керак эди, деган оҳангни сезаман.

Адвокат хулоса қилади

Абдураҳмон ака Воҳидов менинг мақола ёзишга киришаётганимни билгач, илтимос, менинг, тўғрироғи, адолатнинг ғалаба қилишида адвокатимнинг жуда катта ҳиссаси борлигини ҳам қистириб кетинг, деган эди. Мен эса ўша заҳотиёқ бу адвокат билан учрашишни ният қилиб қўйдим. Уни топдим ҳам. Ва, икки оғиз фикрини сўрадим.

— Биз бу ютуққа осонликча эришмадик, — дейди адвокат Саодат Комилова — қаттиқ туриб курашишга тўғри келди. Аммо, бизнинг қуролимиз фақат қонун бўлди. Тўғрисини айтганда, бу гапни айтиш ҳуқуқшунос учун уят. Ахир, қонун билан ишлаш ҳуқуқшуноснинг бурчи. Лекин, ушбу ишда қатнашаётган айрим ҳуқуқшунослар қонунларни нотўғри талқин қилиб чалкаштириш билан овора бўлса шундай дейишга мажбур бўласан-да, киши. Айниқса, уларнинг баъзилари қонун тили билан гаплашишни билмайди.

Ички ишлар ходимлари ўзларининг тафтиш ўтказиш кўрсатмаларига бўйсунмаса, тафтишчи бухгалтер бир бинонинг нархини икки жойда икки хил кўрсатиб турса...

Суддан кейинги ўйлар

Шу жойда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, агар «Шайхонтоҳур таом»нинг юристи ишни чалкаштириш билан шуғулланмаганида бунча одам шу пайтгача сарсон бўлмасди. Судда саволларимизга жўяли бир жавоб беролмайди-ю, кимларнингдир маслаҳати билан бўлса керак, иш охиригача даъвогар бўлиб қатнашди. Нуқул, бошқасини билмайман, Воҳидов бир бинони икки марта сотган, деган кулгили ва асоссиз гапни қайтаради. Охири, «Э, ўзи юрист бўлиб ишлаш учун лицензия олганмисиз?» деб сўрашга мажбур бўлдим.

Энди гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсак, 1995 йилнинг 19 октябрь куни Воҳидов Абдураҳмонга нисбатан бошланғич суриштирув ишларини бошлаган, жиноий ишни сунъий ташкил этишда асосий ишларни қилган, яъни шунча ортиқча меҳнат, тўғрироғи инсон ҳуқуқларининг паймол бўлишига сабабчи бўлган «ҳуқуқ посбони» ИИВ КРТҚББ ходими Баҳром Арапатовдир. Унинг А. Расулов деган шахсни болалари билан КРТҚББга олиб келгани, мажбуран тушунтириш хати ёздириб олиб, гўё уни ариза берган одам қилиб ёлғондан уюштирганининг ўзиёқ ким эканлигини кўрсатиб турибди. Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Бахтиёр Нурмуҳаммедовнинг ҳаракатлари эса унисиникидан асло кам эмас. Чунки у ишни суриштирмасдан, иш ҳолатини яхши ўрганмасдан туриб Воҳидов Абдураҳмонни қамаш ҳақида ноҳақ санкция берган. Ахир шунчалик ҳам бўладими? Президентимизнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш ҳақида қуйиб-пишиб гапиришлари, қонун қўлимда деб ҳар қандай номаъқулчиликлар қилаётган ҳуқуқ-тартибот органи ходимларини кечириб бўлмаслиги ҳақидаги гаплари наҳотки уларнинг қулоғига кирмаётган бўлса?

Опадаги ишонч, қатъият мени ҳайратга солади.

Демак, охиригача курашган одам барибир адолатга эришади. Адолат эгилади, букилади, аммо синмайди, деганларининг исботи бу. Аммо... унинг эгилишига, букилишига қарши курашиш, кураша олиш керак. Ўша адолатни эгадиган, букадиган кучни топиш даркор. Масаланинг моҳияти ана шунда!!!

Нурбек ТОШНИЁЗ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Лайлат ул-Қадр туни

Мана, муборак рамазон ойи ҳам поёнига етиб бормоқда. Рўза тутганнинг ҳам, тутмаганнинг ҳам куни ўтмоқда. Рўзанинг хосияти, саломатлик омили, маънавият сарчашмаси экани ҳақида кўп ривоятлар бор. Оиша розиаллоҳу анҳу ўз ривоятларининг бирида шундай деганлар: «Набий саллоллоҳу алайҳи ва саллам яхшилик бобида ҳаммадан ҳам сахий эрдилар. Хусусан, Рамазон ойларида Жаброил алайҳиссалом билан учрашганларида яна ҳам саховатлари ошиб кетарди. Расулуллоҳ Рамазон тугагунча кечалари Жаброил алайҳиссаломга Қуръонни ўқиб бериб ўзларини имтиҳон қилдирардилар». Қаранг, икки дунё гуноҳларидан поклаб қўйилган ул Зот ўзларини шунчалик имтиҳон қилдирганлар.Зеро боқийдан кўра фоний дунё ҳақида кўп қайғуриш билан билиб-билмасдан қилган гуноҳлар зиёда бўлиб қолган умматларнинг охират сўроқ-саволларига беписанд бўлишлари ҳақида ўйлаш ҳам жоиз. Рамазон ойи ҳам ана шундай ўзига хос имтиҳонлардан саналади. Кишилар бу ойнинг хосиятидан бенасиб қолмасликка, раҳмату мағфиратга дохил бўлишга интилишлари ҳам шундан.

Лайлат ул-Қадрни ҳар ким ўзича тушунади. Кимдир ўтказиб юбормадингми деса, бошқаси маҳкам ушламадингми, деган хаёлларга боради. Аслида Лайлат ул-Қадр недур?

Бу кечанинг хосияти Қуръони Каримдаги Қадр сурасида баён қилинган. Яъни: «Албатта Биз Қуръонни Қадр кечасида тушурдик. (Қуръон оятлари мана шу кечадан бошлаб нозир этилган) Қадрли кеча қандай фазилатга эга эканлигини сенга нима билдирди? (Албатта Қуръони Карим). Қадрли кеча фазилати минг ойдан яхшироқдир. Ушбу кечада Оллоҳнинг малойикалари Жаброил аллайҳиссалом бошчилигида, Роббиларининг рухсати билан, ул Зот тайин этган кишилар учун ер юзига тушадилар.

У кечада то тонг отгунича, Оллоҳга саловату саломлар айтилиб солих бандалар номига раҳматлар ёзилиб туради».

Пайғамбаримиз Расули Акрам Саллоллоҳу алайҳи васаллам Қадр кечасини бедорликда ибодат билан ўтказар эдилар. Бундай фазилатга эга бўлган кеча рўзанинг қайси кунига тўғри келиши хусусида ривоятлар келтирилган. Улардан бирида бундай дейилади: «Набий саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг бир неча саҳобалари Лайлат ул-Қадрни Рамазоннинг охирги ўн кунлигининг еттинчисида бўлишини туш кўрибди. Шунда парвардигоримиз: «Сизларнинг тушларингиз Лайлат ул-Қадрни рўзанинг охирги ўн кунлигининг еттинчи кунига мувофиқ келяпти. Кимки Қадр кечасини қутмоқчи бўлса Рамазон ойи охирги ўн кунлигининг еттинчисида қутсин!» дебдилар».

Шунга мувофиқ юз йиллар мобайнида Қадр кечаси Рамазон ойининг 26 кундан 27 кунига ўтар кечаси кутиб олинмоқда. Шундай қилиб, минглаб рўзадорлар тунни бедорликда ўтказиб, Оллоҳга саловатлар айтиб, савобга дохил бўлишга аҳд қилиб турибдилар.

Мирзо АНВАР

Муборак кунлар

Қарғишнинг кучи

Қадимда бир бой ўғли билан намоз ўқиш учун масжидга борибди. Жойнамозга чўккa тушаётганларида бойнинг ўғли ёнидаги намозхондан қон ҳиди анқиётганини, ундан нариги кишининг кўзлари бежо, титраётган қўли бармоқларини яширишга уринаётганини сезибди. Шунда қон ҳиди анқиётган одамнинг билагидан ушлаб: «Муқаддас даргоҳ ҳаққи-ҳурмати, жавоб бер, сен жаллодсан, қўшнинг эса ўғри, шундайми?» дебди. Бу ерда ёлғон гапириш мумкин эмаслигини яхши билган ҳар иккиси «шундай» дебди ерга қараб.

— Сенларнинг гуноҳ ювишингга ёрдамлашганимдан кўра масжиду намоздан воз кечганим афзал, — дея бойнинг ўғли туриб эшикка йўналибди.

— Тўхта, — дебди можародан хабар топган ота, — улар ким бўлишидан қатъи назар Оллоҳнинг бандаси. Шаккоклик қилма, қарғишга қоласан!

Ўғил қулоқ солмабди. Кўпчилик олдида изза бўлган ота болани қарғабди. Остонага етар-етмай ўғил қушга айланибдию учиб кетибди. Шу-шу қуш «бойўғли» деган ном олибди.

Гуноҳкорлардан ҳаммамиз ҳам шундай нафратланамизми? Бу ривоят бизни ортиқча кечиримли бўлмасликка, ҳушёрликка ундайди.

Наргиза НОРМАХАМАТОВА, ТошДУ журналистика факультети талабаси.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 12 yanvar, seshanba № 5 (24.400).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Сой бўйида — *Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат*

Инсон хотираси азиз

Юртни обод этганлар

Мирзачўлнинг қўриқ ерларида ташкил қилинган Акмал Икромов номидаги давлат хўжалигига қараб машина билан йўлда кетаётсам, ўнг тармоқли канал бўйида сув тортадиган «Алтай» трактори матори ёнида жазирама иссиқдан қорайиб кетган таниш киши кўринди. У киши менинг машинамга қараб келаверди, мен шофёримга машинани тўхтатишини буюрдим. Қарасам, эски қадрдон дўстим Эрбеков Йўлдош. Қучоқлашиб кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик.

Сиз бу ерда жазирама офтобда нима қилаётирсиз? — дедим. У киши — мен шу ерда бўлим бошлиғиман. 1000 гектардан ортиқ ерим бор, 850 гектар ерга пахта экканман, пахтамнинг кўчати яхши. Каналга насос қўйиб сув чиқазиб пахтани суғориш учун ишчиларим билан бирга ҳаракат қилаётирман. Ўзимиз қийналиб бир ҳафтадан буён насосни юргизиб сув чиқара олмаяпмиз, деди.

Бугунги кунда ҳам Боёвут каналлари бўйида ўсиб турган толу теракларни юқори зонадаги дарахтлар шохидан «хипчин»лар кесиб келиб кўкартирганлардан ва дастлаб қурилган бинолар пойдеворига ғишт қўйганлардан бири Эрбеков Йўлдош бобо бўлди.

Эрбеков Йўлдош умрининг охиригача халқнинг хизматини қилди. У ўзи жуда ҳалол, тўғри, адолатли одам эди. Ёшларга яхши ўқинглар, ҳалол ишланглар деб насиҳатлар қиларди. Уни Сирдарёда билмаган одам кам. Ҳамма уни бахтли Йўлдош бобо деб атарди.

Яқинда Йўлдош бобо 84 ёшида вафот этди.

Эрбеков Йўлдош бобонинг эл-ликдан ортиқ ўғил-қиз, набира-чевара ва фарзандлари қолди. Фарзандларининг ҳаммаси ҳам ўзига ўхшаган ҳалол меҳнаткаш.

Ўзбекистон мустақил республика бўлганида Йўлдош бобо чунонам севиниб, энди халқимизнинг кўкрагига озодлик шамоли тегади деб завқланиб мен билан суҳбат қилгани ёдимда.

Буюк файласуф олим Аристотель «Табиатдаги барча нарсалар ўзига ўхшаш нарсаларни вужудга келтиради. Уруғ ёки тухум қандай бўлса улардан вужудга келган нарсалар ҳам шундай бўлади» деган. Йўлдош бобонинг авлодлари ҳам шундай бўлди.

Худоёр ЛАТИПОВ, иқтисод фанлари номзоди

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Фамилияси *Жўраева*

Исми *Ҳолжон*

Отасининг исми

Қачон, қаерда туғилган *1898 йил Бухоро вилояти Конимех тумани*

Ҳозир қаерда яшайди *Навоий вил. Навбаҳор тум. Навбаҳор ж/х*

Узоқ умр кўришнинг сири *Сабр-қаноат, бағрикенглик, Оллоҳга шукроналик* (қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси *Атрофингда суюкли одамлар доим бирга бўлса* (қисқа баён этилади)

Анкетага фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Мухтарам фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви Халқ банки томонидан муомалага чиқарилган «Оила қувончи» лаҳзали пул ютуқли лотереяси бўйича ютуқли лотерея билетларини тўловга қабул қилиш муддати лотереянинг шарт ва қоидаларига асосан 1999 йилнинг 15 январигача белгиланганлигини маълум қилади.

Ушбу муддат тугагандан сўнг ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви

Мухтарам фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви Халқ банки (Жамғарма банки) томонидан муомалага чиқарилган Депозит (Жамғарма) сертификатларини тўловга қабул қилиш 1999 йилнинг 10 январидан тўхтатилганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

Тошкент шаҳрида қуйидаги иш ва хизмат кўринишлари юзасидан ДБҚнинг қурилиш объектларида қатнашиш учун ТЕНДЕР

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- лойиҳалаштириш ишлари;
- умумқурилиш ишлари;
- пардозлаш;
- ички махсус монтаж ишлари.

Танловда қатнашиш истагида бўлганлар ўз таклифларини қуйидаги телефонлар орқали билдиришлари мумкин: 76-53-84, 77-72-82, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 35.

ЎзР ФА М. Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти қуйидаги лабораториялар мудирлиги лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Грунтлар динамикаси;
- Суюқликлар ва кўп фазали муҳитлар механикаси;
- Механизмлар ва машиналар назарияси.

Танловда фан докторлари ва номзодлари иштирок этишлари мумкин.

Танловга ҳужжатлар 10 февралгача 700143, Тошкент—143, Академшаҳарча, МИСМИ манзилида қабул қилинади.

СОТИБ ОЛАМИЗ:

10 МЗ ҳажмли қайнатиш қозонлари, қуритиш агрегатлари

Тел: (3712) 45-91-75, 45-97-31.

«Сирғали бозори» очиқ акциядорлик жамияти кузатув Кенгаши бошқаруви ва меҳнат жамоаси шу жамият директори Тоҳиржон Ўринбоевга отаси **Ҳакимжон ҳожи ота ЎРИНБОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80, факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Нурбек ТОШНИЁЗОВ, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 25.805 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА